



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 10 март ● сешанба ● № 10 (627) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури

мазмун-моҳияти жойларда омма орасида кенг тарғиб қилинмоқда

ТОШЛОҚ туманидаги «Ахшак» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам ушбу Давлат дастурида белгилаган устувор вазифалар хусусида кенг тарғиб ишлари олиб борилди.

Худди шундай тадбир тумanning «Садда» ва «Қўргонча» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб ўтди.

Зикрилло ЭРГАШОВ,
Тошлоқ тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Статистик кодлар бериш

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ва вилоят Статистика бошқармаси билан ҳамкорликда Президентимизнинг 2008 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишни ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича семинар-йиғилиш ўтказди.

УНДА тадбиркорлик субъектлари фаолияти, уларни рўйхатга олиш бўйича яратилган шароитлар ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳияти мавзусида маърузалар тингланди. Семинар-йиғилишда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолият юритмаётган ва устас фондиди белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби ҳамда тадбиркорлик субъектларига статистик кодлар берилиши масаласида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

Баҳром ҲАЙИТОВ,
Қашқадарэ вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Оила қувончи юрт хотиржамлигидан далолат

Муқаддас даргоҳ




Амалий ва ижодий ҳамкорликда



Сиз қанча солиқ тўлайсиз?



Билмаганга олиб, билганидан қолмаса...



Адлия фаолияти

Залворли ишлар назорати

Адлия органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 2009 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборатлиги, 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ирсий касалликнинг олдини олиш

БАРЧА ривожланган давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бир ниқоҳликка амал қилинади. Ниқоҳ тузишнинг шартлари ва унга монелик қиладиган ҳолатлар Оила кодексига белгилаб қўйилган. Жумладан, «Насл-насаб шахараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчи билан фарзандликка олинганлар ўртасида» ниқоҳ тузиш мумкин эмас.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, Янгийўл тумани ФХДЭ бўлимида бўлиб ўтган «Яқин қариндошлар ўртасида ниқоҳ тузиш тўғрисида» мавзусидаги давра суҳбати юқоридаги ҳолатларнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олишга бағишланди. Йиғилишда ногиронлар тугилишининг олдини олиш борасида тиббиёт соҳасида қилинган ишлар, муаммолар ва тақлифлар айтилди, шунингдек, гўдақларнинг ирсий касаллик билан туғилиш хавфи юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Гулсара ХАЛИЛОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими

Хорижий инвестиция иштироки

ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармаси ташаббуси билан Бектемир тумани ҳокимлигида «Тошкент шаҳрида хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти: амалиёт ва муаммолар» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги қонун ҳужжатларида берилган имтиёзлар ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилди. Мазкур масалалар юзасидан масъул ходимлар томонидан тушунириш ва йўналишлар берилди. Тадбир йиғилганларда катта қизиқиш уйғотиш билан бир қатор кўтарилган масалалар аҳамиятлилиги билан иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Аҳсам ТУРДУЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Тизим тадбирлари

Батафсил тушунчалар берилди

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ Олий ўқув юрталари, академик лицей, ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва мактабларида ўтказилаётган «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир» широри остидаги тадбирлар сони яна биттага кўпайди.

ВИЛОЯТ адлия бошқармаси режаси асосидаги навбатдаги тадбир Жиззах Олимпия заҳиралари коллежида ўтказилди. Вилоят адлия бошқармаси ходими Матлуба Ҳозилова мавзу бўйича чиқиши чоғида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва унинг аҳамияти, бу борада олиб борилаётган амалий ишлар хусусида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Роҳат НОРҚУЛОВА,
Жиззах шаҳар ФХДЭ бўлими mudiri

1998 йил 30 апрель — Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси» қабул қилинди.

2002 йил 5 июль — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилага тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2007 йил 18 май — Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнат қонунчилигида иш берувчи ва ходимнинг қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Албатта, меҳнат интизоми йўлга қўйилган жойда иш унуми юқори бўлади. Бунинг билан кўпчилик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ишни тўғри ташкил этиб, ишчи-ҳодимлар билан баҳамжиҳат фаолият юритиб келмоқдалар.

Адлия аралашгач...

Иш берувчи ва ходим ўртасидаги мажбуриятлар бажарилди

АММО айрим мутасадди раҳбарлар қонунчиликда белгилаб қўйилган ўз мажбуриятларини бажармасдан, ходимлар манфаатларини бузиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Адлия бошқармаси томонидан «Қизилтепа пахтаозорлари» ОАЖда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 161-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарорининг 3-бандида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган. Бу орқали жамият раҳбарлари ушбу Қонун ҳужжати талабларини бузиб,

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этди. Адлия бошқармаси томонидан Қизилтепа тумани бандликка кўмаклашувчи марказга киритилган тақлифга асосан хўжалик раиси А.Омонтошев, бош ҳисобчи Ш.Эроновларнинг ҳар бирларига нисбатан 140200 сўмдан маъмурий жарима жазоси тайинланди.

Уйлаймизки, бу раҳбарлар қўлланган жазодан тегишли хулоса чиқаришди.

Ўткир ТУРСУНОВ,
Навой вилояти адлия бошқармаси маъсул ходими

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Жиноят иши кўзғатилди

СУРХОНДАРЭ вилояти прокуратураси томонидан Шўрчи тумани «Қўлдош» маҳалласида яшовчи А.Бойсариевнинг туман ҳокими У.Бобоқулов ва бошқа мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси кўриб чиқилди.

МАЗКУР ҲОЛАТ бўйича вилоят прокуратураси томонидан 2008 йил 13 декабрь куни

Шўрчи тумани ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 205-

моддаси, 2-қисми, «а,в» бандлари, 207-моддаси, 1-қисми ва 208-моддаси билан жиноят иши кўзғатилди.

Ҳозирги кунда жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шу сабабли аризада

келтирилган ваҳжлар тергов давомида кўриб чиқилиб, қонуний қарор қабул қилинади.

А.НИЯЗОВ,
Сурхондарэ вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси



Адлия идораларида фаол тарғибот Амалий ва ижодий ҳамкорликда

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи давомида Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг барча ҳудудий бошқармаларида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва

кељажақдаги режалар" мавзуида тадбирлар ташкил этилмоқда. Республика "Маънавият тарғибот маркази"нинг Жиззах вилояти бўлимида бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳуқуқшунослар ва журналистлар ўртасидаги амалий ва ижодий ҳамкорлигининг яна бир ифодаси бўлди. Унда амалдаги қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида тарғиб этиш, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг тўб моҳиятини ва мақсадларини кенг

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан 2008 йилда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган 2370 та ҳуқуқий тарғибот тадбири амалга оширилди. Шундан 149 таси семинар, 1981 таси оғзаки тарзда, 986 мартаба таъминоти маърузалари, 846 мартаба давра суҳбатлари ва кўргазмали ҳуқуқий тарғибот тарзида амалга оширилди. 112 марта телевидениеда, 101 марта радио орқали кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилинди. Газеталарда 166 марта тарғибот чиқишлари амалга оширилди.

сифат ва мазмундорлигини янада яхшилаш ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида сўз юритилиб, бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Ҳозирги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган даврда вилоят адлия бошқармасининг ўз веб-сайти бўлиши мақсада мувофиқлиги ҳам қайд қилинди. Анжуман доирасида адлия бошқармаси томонидан 2008 йил давомида қилинган ишларга оид диаграммалар асосида тайёрланган видео-слайдлар намойиш этилди.

Жамият аъзоларининг амалдаги қонунларга қатъий амал қилиши, қонун устуворлигининг таъминланиши аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ жараёндир. Бу муҳим ишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта. Буни Сирдарё

вилоятида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари билан вилоят адлия бошқармаси ўртасидаги ҳамкорлик самараларида ҳам кўриш мумкин.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Гулистон шаҳрида матбуот анжумани ўтказилди. Унда таъкидланишича, 2008 йилда бошқарма ходимларининг ташаббуси билан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган 2437 та тадбир амалга оширилган. Шунингдек, маҳаллий ва республика ОАВда 600 га яқин чиқишлар қилинган. Бу 2007 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп демакдир.

Анжуманда Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари адлия тизими ва унинг фаолиятини яратишда эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар ҳамда галдаги вазифалар

хусусида батафсил тўхталди. — Марказий оммавий ахборот воситаларида Суд департаментининг Сирдарё вилояти бошқармаси фаолиятини кенг ёритувчи мақолалар ёки телекўрсатув, радиолохвалар кўзга ташланмаётгани кузатилади, — деди ўз сўзида.


Матбуот анжуманида вилоятлар адлия бошқармаларида матбуот хизмати ташкил этиш лозимлиги ҳақидаги таклифлар кўпчилигида қизиқиш уйғотди. Анжуман сўнгида 2008 йил мобайнида ҳуқуқий тарғибот ишларида фаол қатнашган бир гуруҳ журналистларга вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Абдуғаффор ОМОНБОВ, Тўлкин ЯНГИБОВЕВ, Толибжон ЭРҒАШЕВ, "Инсон ва қонун" мухбирлари

Адлия фаолияти Залворли ишлар назорати

АДЛИЯ органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 2009 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари

(Давоми. Боши биринчи бетда) ХУСУСАН, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлаш соҳасида ҳамкорлик келишуви ва дастурлари имзоланди.



Дастурларда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўртасида тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш инспекциялари, лицензия берувчи, фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланишга, муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришга, муҳандислик қўрсатишга, муҳандислик коммуникацияси тармоғига уланнишга рухсат берувчи, шунингдек, фуқароларнинг ҳамда тадбиркорларнинг тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, фаолиятини бошлаш, амалга ошириш ёки кенгайтириш билан боғлиқ муурожаатларининг қурилиши ва архитектура ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри идораларида қўриб чиқиши, уларда кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрғаниш, бу жараёнда аниқланган ҳар қандай

бюрократик тўсиқлар, сансалорлик ва тадбиркорларнинг талабларини ноқонуний рад этиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш; тадбиркорлик субъектларининг ўз бизнесларини ривожлантиришлари бўйича ҳукумат томонидан берилган молиявий-ҳуқуқий кафолатларидан фойдаланишлариға тўсқинлик қилиш ва фаолиятини ноқонуний текшириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида "Ишонч телефонлари"ни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш ва улар орқали қилинган муурожаатларни ўз вақтида тегишлироқ чора қўриш сингари қатор вазифалар белгилаб олинди.

Зиёвуддин ИСАЛИЕВ, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи, Шокир РАФИКОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими



Биласизми?

Сиз қанча солиқ тўлайсиз?

Солиқларни ўз вақтида, тўлиқ ва онгли равишда тўлаш давр талаби

РЕСПУБЛИКАМИЗДА солиқ тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири жисмоний шахсларнинг даромадидан олинган солиқни мувофиқлаштириш, солиқ ставкаларини йилдан йилга пасайтириш ҳисобланиб, бу йўналишга сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, биринчи навбатда аҳолининг реал даромадларини ошириш ва иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омил бўлган тўловга лаёқатлигини кучайтириш асосий ўринда турибди.

2009 ЙИЛНИНГ 1 январидан бошлаб шаҳар йўловчилар транспортда ходимларнинг хизмат қатновлари учун уларга бериладиган йўл картчалари суммаси жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзидаги даромад сифатида қаралмайди, балки эндиликда мазкур харажатлар солиқ тўловчи корхонанинг харажатлари ҳисобланади.

лар бўйича қўшимча тўловлар тарихида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий иклим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақиға коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорда белгиланади; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ ҳўжалиги ишларига юборилган жисмо-



ланади. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи яқун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамағариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига қамайтирилади.

Келинг, энди буларни аниқ бир мисолда кўрайлик. Масалан, А жисмоний шахсга январь ойи учун 320 000 сўм иш ҳақи ҳисобланади. Бугунги кунда энг кам иш ҳақи 28040 сўмни ташкил этади. 1. Энг кам иш ҳақи олти бараварининг 12 % ини ҳисоблаймиз. $28040 \times 12\% = 3364,8$ сўм — солиқ суммаси. 2. Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорини ҳисоблаш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан 168240 сўм (энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдори)ни чегириб унинг 17 фоизини ҳисоблаймиз.

$28040 \times 10 = 280400$ сўм. $280400 - 168240 = 112160$ сўм. $112160 \times 17\% = 19067,2$ сўм — солиқ суммаси. 3. Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (280400)дан то 320000 сўмгача бўлган суммаси ҳисоблаб, унинг 22 фоизини ҳисоблаймиз. $320000 - 280400 = 39600$ сўм. $39600 \times 22\% = 8712$ сўм — солиқ суммаси. 4. Энди жами солиқ суммаси йиғиндисини ҳисоблаб, уни ҳисобланган иш ҳақи миқдори (320000 сўм)дан чегираимиз. $20188,8 + 19067,2 + 8712 = 47968$ сўм — жами солиқ суммаси. $320000 - 47968 = 272032$ сўм — солиқ ундирилгандан кейинги сумма. Бундан ташқари, ҳисобланган иш ҳақидан Касаба уюшмасига 1% (ихтиёрий равишда), 2009 йилдан бошлаб эса Пенсия фондига 3,5% (2008 йилда 2,5% эди) ҳамда 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамағариб бориладиган пенсия жамағармасига 1% каби тўловлар мавжуд. 5. Касаба уюшмасига ажратма $320000 \times 1\% = 3200$ сўм. 6. Пенсия фондига ажратма $320000 \times 3,5\% = 11200$ сўм. 7. Фуқароларнинг шахсий жамағариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратма базаси ҳисобланган иш ҳақи (320000 сўм) бўлиб, натижа жами солиқ суммаси (47968 сўм)дан қамайтирилади. $320000 - 47968 = 272032$ сўм. 8. Демак, ҳисобланган иш ҳақидан барча тўловларни чегираимиз. $320000 - 47968 - 3200 - 11200 = 257632$ сўм — тўланадиган иш ҳақи миқдори. Солиқларни давлатнинг қон томирларига ўхшатиш мумкин. Одамзотнинг яшаши учун қон томирлари нақадар муҳим экан, солиқларнинг ҳам давлат учун аҳамияти шунчалик муҳимдир. Демак, солиқсиз давлат бўлмаганидек, давлатсиз солиқ ҳам бўлмайди. Бундан эса солиқларни ўз вақтида, тўлиқ ва онгли равишда тўлашимиз лозимлиги аёнланади. **Азизхон НОДИРОВ,** Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими

Жараён Инсон ҳуқуқлари ҳимояси

муҳим вазифаларимиздан биридир



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – бу жамиятнинг энг олий қадрияти, инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида республикада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Адлия вазирлиги Ахборот хизматининг маълумотиға кўра, адлия идораларига фуқаролар томонидан 2008 йил давомида 4288 та муурожаат келиб тушган ва уларнинг 70 фоизи қаноатлантирилган. Масалан, биргина Наманган вилояти адлия бошқармасига Норин туманида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Рустамовадан ноқонуний равишда ишдан бўшатилгани тўғрисида шикоят келиб тушган. Текширув натижаларига кўра, Наманган шаҳар ҳалқ таълими бўлими мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ўз тасдиғини топди, Н.Рустамова ўз лавозимига қайта тикланди. Таҳлилларға кўра, адлия идораларига фуқаролар муурожаатларининг умумий сонидан 17 фоизи меҳнат ва ижтимоий муҳофаза соҳасиға тегишлилиги аниқланган. Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Адвокатура институтини

янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний мафатлари ҳимоясини таъминловчи, мустақил ва қучли адвокатурани шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишға қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юртишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган яна бир муҳим ҳужжат, десак ҳато бўлмайди. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида инсон шаъни, қадр-қимматини қамситиш, қулликка солиш, оиласидан, ватанидан жудо қилиш, мажбурий меҳнатта тортиш ҳолатлари содир этилмоқда. Мамлакатимизда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва Юрбощимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг эълон қилиниши демократик ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида танланган "Ўзбек модели" тўла самара билан ишлаётганидан, халқимизнинг турмуш тарзини юксалтириш борасидаги кенг қўламли саяёҳаракатлар амалга оширилатганидан ҳамда инсон қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилатганидан далолат беради.

Даврон ҚАЛАНДАРОВ, ТДЮ магистранти, Аббос АХМЕДОВ, ТДЮ талабаси

янгидаромади белгиланди. Солиқ кодексининг 181-моддасига асосан, жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари белгиланган энг кам ставка бўйича солиққа тортилади: баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициент-


ний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиғи лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белги-

Халқаро андазалар ва миллий меъёрлар

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш

соҳасидаги халқаро ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари

ЎЗБЕКИСТОН суверен давлат сифатида халқаро муносабатларда иштирок этар экан, ушбу жараёнда универсал ҳуқуқий субъектлик мақомини ифода этувчи қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.



томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноят қонунчилиги халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда шакллантирилиб борилмоқда. Ушбу ҳолат уюшган жиноятчилик ва унинг айрим кўринишларининг олдини олишга қаратилган таъсир чораларини қўллаш имкониятининг кенгайтилишига ҳамда жиний уюшма ташкил этишда иштирок этган шахсларни жиний жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асосларнинг яратилишига имкон бери.

ларининг ижро этилиши (6-модда), хорижий давлатдан шахсни ушлаб бериш тўғрисида талаб қилиш қоидалари (8-модда) ўз аксини топди. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликка қарши фаол курашишга имкон берадиган халқаро андазаларга мос келувчи ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Ушбу жараён миллий манфаат, урф-одат ва анъаналар ҳамда миллий давлатчилик омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

АЙНИ ПАЙТДА, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида белгиланганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устуңлиги тан олинган ҳолда, мамлакатимизда уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида тузилган шартномалар нормаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш жараёни амалга оширилмоқда. Бундан суверенитет ва миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро шартномалар талабларини миллий қонунчиликка жорий этишнинг ўзига хос тартиби белгиланган. Шу билан бирга, ратификация қилинган ёки мамлакатимиз қўшилган халқаро шартномалар талабларини миллий қонунчиликка киритиш учун махсус ички қонун ҳужжатлари қабул қилини лозимлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексда миллий қонунчилик билан халқаро шартнома ва битимлар муносабатига бағишланган норма муҳим аҳамияти касб этади (3-модда). Унда илк бор конституциявий меъёр талаблари, яъни Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноят қонунчилиги халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда шакллантирилиб борилмоқда. Ушбу ҳолат уюшган жиноятчилик ва унинг айрим кўринишларининг олдини олишга қаратилган таъсир чораларини қўллаш имкониятининг кенгайтилишига ҳамда жиний уюшма ташкил этишда иштирок этган шахсларни жиний жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асосларнинг яратилишига имкон бери.

Рейд

Ножўя ташланган қадам

жарлик сари етаклар

АВВАЛО, шунинг таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ишбилармонлар сафи кун сайин ошиб бормоқда.



АФСУСКИ, гуруч курмаксиз бўлмагани каби, эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилаётган тадбиркор ва ишбилармонлар сафида айрим қинғир ниғатли кимсалар учраб туради.

Келинг, сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат қилайлик. Хатирчи тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари яширин тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида 41 мартаба қисқа муддатли рейдлар ўтказиб, 41 та ҳолат юзасидан қонунбузарликлар аниқланди.

Текширишларда 8 та жувоз, 1 та нон (буханка) ишлаб чиқариш цехи, 22 та тегирмон, 6 та тош майдалаш тегирмони ва 4 та тен-тен (пахта титиш) цехи ноқонуний фаолият кўрсатаётганлиги аниқланиб, улардан жами 2892,4 минг сўмлик товар хомашё материаллари ҳамда мосламалар дилилий ашё сифатида олиб кўйилди. 7 нафар фуқарога нисбатан жиний иш кўзгатилди. 41 нафар фуқарога нисбатан тузилган материаллар чора кўриш учун туман СВОЖДЛК бўлимига ҳамда туман судига ўтказилиб, маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Бугун бозорларимизда аҳоли гавжум жойларда аудио-видео маҳсулотлари айниқса, "CD", "DVD", "MP-3", дисклари билан савдо қилиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Ушбу ҳолат юзасидан Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги "Гастроль-хаммерт

фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассета-ларини тарқатишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 285-сонли қарори ижроси юзасидан инспекциянинг тумандаги назорат органлари билан ҳамкорликда олиб борилган текширувлар натижасида очик савдода бўлган жами 857 хил 811,2 минг сўмлик (CD, DVD, MP-3) дисклар ашёвий далил сифатида олинди. Мазкур ҳолат юзасидан 14 нафар жисмоний шахсга нисбатан тупланган материаллар туман судига юборилди.

Бундан ташқари, Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги "Республикада доридармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари бажарилиши юзасидан олиб борилган текширишлар натижасида туман бозорларида 15 нафар жисмоний шахс томонидан лицензиясиз ва ноқонуний равишда очик савдода бўлган жами 1675,7 минг сўмлик доридармон воситалари далилий ашё сифатида олинди, тузилган долатномалар чора кўриш учун туман судига юборилди.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, ножўя ташланган қадам, кишини охири-охири жарлик сари етаклаши мукаррар.

Неъмат БУРОНОВ, Хатирчи тумани ДСИ бошлиғи, Элдор НАМОЗОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ОДАМ САВДОСИ глобал муаммолардан бири бўлиб, бугунги кунда бу муаммо билан кўпчилик давлатлар юзма-юз келмоқдалар. Одамлардан шаҳонинг мақсадларда фойдаланиш, "уй қуллиги", мажбурий меҳнат, суррогат оналикда фойдаланиш, болаларни эксплуатация қилиш, тиланчиликка мажбурлаш трансмиллий жиноятнинг турли шафқатсиз усулларда намойи бўлишидир. Ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар турли давлатлар чегараларини босиб ўтиб, бевосита ёки бивосита қилинадиган зўрлик ёки унинг таҳдиди остида бу муҳим савдо ва эксплуатациянинг объекти (жабрланувчиси) бўлиб қолмоқда.

Трансмиллий жиноят Чегара билмас иллат одам савдоси — глобал муаммо

ОДАМ САВДОСИ бугунги кунда ривожланаётган давлатлар билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар олдига ҳам ечим топиши қийин бўлаётган муаммога айланган. 1949 йил 2 декабрдаёқ БМТнинг "Одам савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция"си тасдиқлангани бежиз эмас эди. Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу жиноят тури дунё микёсида кенг тарқалди. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сонини бир неча миллионларни ташкил қилмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили дунёда 5 миллионга яқин киши мазкур жиний фаолиятдан жабр кўради. Йилга 600 мингдан 800 минг нафарга аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси, айрим мамлакатларда шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто миллият генофондида реал хавф туғдира бошлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари самараси сифатида одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2003 йилда Ўзбекистон БМТнинг 1949 йилги юқорида қайд этилган Конвенциясига қўшилди. Миллий қонунчилигимизда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, истиқлолгача деярли бу бордада тегишли норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас эди.

Шу билан бирга, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилиши эканлигини назарда тутиб Ўзбекистон бу салбий иллатга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратди. 2008 йилда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу иллатга қарши курашишнинг ва одам савдосидан жабрланганларни химоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси, айрим мамлакатларда шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто миллият генофондида реал хавф туғдира бошлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари самараси сифатида одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2003 йилда Ўзбекистон БМТнинг 1949 йилги юқорида қайд этилган Конвенциясига қўшилди. Миллий қонунчилигимизда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, истиқлолгача деярли бу бордада тегишли норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас эди.

Шу билан бирга, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилиши эканлигини назарда тутиб Ўзбекистон бу салбий иллатга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратди. 2008 йилда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу иллатга қарши курашишнинг ва одам савдосидан жабрланганларни химоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

эътибор қаратди. 2008 йилда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу иллатга қарши курашишнинг ва одам савдосидан жабрланганларни химоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идораларо комиссия кенг фаолият юритиши, бундай жиноят курбонларини химоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари алоҳида қайд қилинди. Мазкур Идораларо комиссия ўз фаолиятини республика ва халқаро микёсда амалга оширмоқда. Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашга қатъи эътибор берилмаётгани халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётир. Хусусан, 2008 йилнинг 4 июнида АҚШ давлат департаменти эълон қилган одам савдоси тўғрисидаги маърузада Ўзбекистон учинчи тоифали рўйхатдан иккинчи тоифали рўйхатга киритилганлиги одам савдосини бартараф этиш борасида Республикада қилинган ишларга берилган ижобий баҳо десак, муволафа қилмаган бўлаемиз.

Хусан ОЧИЛОВ, Адлия вазирлиги ходими, Элбек ТУРҒУНБЕКОВ, ТДЮИ ўқитувчиси

Очиқ акциядорлик тижорат банк «Пахтабанк» мижозлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб-варақаларидан нақд пул тўловларини узуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ мижозларини иш ҳақи ва унга тенгаштирилган тўловларини, депозит ҳисобварақаларидаги маблағларини, аҳоли омонатларини нақд пулда бериш вақтида банк филиаллари ва лиҳибанклари ходимлари томонидан қўнғузаришларга йўл қўйилган тақдирда қўйидаги ОАТБ «Пахтабанк» тизимида мавжуд бўлган қўйидаги «Ишонч телефонлари»мизга хабар беришигини сўраймиз!

Table with 5 columns: T/P, OATB «Пахтабанк»нинг Бош офиси, вилоят бошқармалари ҳамда туман филиаллари, «Ишонч телефонлари» рақамлари, T/P, OATB «Пахтабанк»нинг Бош офиси, вилоят бошқармалари ҳамда туман филиаллари, «Ишонч телефонлари» рақамлари. It lists various branches and their phone numbers across different regions.

Advertisement for 'Asaka' bank (OAJ) featuring a large image of a bouquet of flowers. Text includes: 'Хурматли юртдошлар!', '«Асака» банки (ОАЖ) миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.', 'Миллий валютадаги омонат: «НАВРЎЗ». Сақлашни муддати — 6 ой. Омонат бўйича йиллик 28 фоиз ҳисобланади ва қўшимча 2 фоиз бонус.', 'Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.', '«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгиз сақлашни ва кўпайишни кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! — маълумотлар сир сақлашни тўлиқ кафолатланади! — эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! — миқдори чекланмаган! Хизматлар лицензияланган.'

Мусобақа

Аёл савоматининга эътибор миллат келажакига кўрсатилган рағбатдир. У соғлом бўлганига фарзандларни баркамол ўсади.

Ҳаваскор жамоалар беллашуви

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спортга жалб этиши, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш муҳим вазифалардан биридир. Аёл жамиятда фаол шахс, ҳар жабҳада тadbirkor, оилада уй бақаси, фарзандлар тарбиячиси.

спорт мажмуасида республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан 8 март — Хотин-қизлар кўни байрамига бағишланган "Аёл ва спорт" комиссияси соврини учун вазириларда фаолият юртитаётган аёллар ўртасида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

жамият" шиори остида ўтказилган мазкур спорт мусобақасида аёллар стритбол, волейбол, гимнастрада, стол тенниси ва бадминтон каби спорт турлари бўйича беллашди.

Спорт бўйича ўз қобилиятларини намойён этган гуруҳлар ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона баҳоланди. Натижаларга кўра, 1-ўринни Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Мудофаа вазириликнинг аёллар жамоаси, 2-ўринни Адлия вазириликнинг аёллар жамоаси эгаллади.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири



Қора қилмиш

Сохтакорлик "санъат"и

МАМЛАКАТИМИЗДА мажбур имконият ва имтиёзлардан қонун доирасида умуман фойдаланган тadbirkor ўз фаолиятини самарали давом эттириши мумкин. Афсуски, шонли кўрсаткич бўлмагандек, орамизда тadbirkorлик моҳиятини тушулмаган, ўз ҳуқуқ ва бурчларини унутиб қўйиб, охири-оқибат қонун асосида жавобгар бўлган кимсалар ҳам учраб туради.

БУХОРОЛИК Амин Акрамовнинг ёши 48 да, оилали, 2 нафар фарзанднинг отаси. "Алия" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келди. У қонунга зид хатти-ҳаракатлари туфайли тadbirkorлар сифидан чиқиб кетди.

Сохтакорликда Амин Акрамов устаси фаранг чиқиб қолди. Чунки 2007 йил бошида "Алия" масъулияти чекланган жамият таъсисчиларининг мажлиси бўлиб ўтди. Жамият раҳбарлигига Аюбхон Хикматов тайинланди. Отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмаган Амин Акрамов жамиятининг янги раҳбари имзо намуналарини банк муассасига топширмайди. 2007 йил якуни

шириқномалари бош китобини гаразғўйлик ва бошқа паст ниятларда, тегишли органларга тақдим қилмаслик мақсадида қасддан йўқотди. Лекин МЧЖ раҳбари учувари хом санаган эди. Қилини қирқ ёрайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари унинг қилмишларини фож этишди.

Тadbirkorлар манфатини ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатлари мунтазам такомиллашиб бораётган бир пайтда Амин Акрамовдек сохта тadbirkorларнинг қилмишларини қонун кечирмайди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида Амин Акрамовга нисбатан адолатли ҳукм ўқилди.

Сохтакорлик "санъат"и амалда қўлламоқчи бўлган Амин Акрамов учинчи марта суднинг қора қурчисига ўтириб, кўзи очилгандир. Энди у эгри йўлга қадам қўйиб, қилган хатоларидан сабоқ чиқарар. Буни вақт кўрсатади.

Шухрат ЯДГАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири



солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда товар айланмаси микдори 7797,6 минг сўм камайтириб кўрсатилди.

Яра газак олса, ёмон бўлар экан. Амин Акрамов 2007 йилда яна бир "мардлик" кўрсатди. Йил давомида 157513,9 минг сўмлик товар айланмасидан 9063,0 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлади. Шунингдек, 2007 йил давомида импорт қилинган 9.743,8 сўмлик харидорғир товарларни пуллаб, сотувдан тушган пуллари НКМдан ўтказмаган. Демакки, тушумни банк муассасига топширмаган.

бўйича шаҳар ДСИга топширилган ҳисобот ҳужжатларида Аюбхон Хикматов ва бош қисбчи Илҳом Бақоевларнинг имзоларини, шунингдек, банк тўлов топшириқномаларида амалдаги бош қисбчи Г.Ачиловнинг имзоларини сохташлатиради. Сохташлатирилган ҳужжатлар банк муассасасига тақдим қилинади.

Амин Акрамов кирдикорлари фож этилишидан қўрқиб, яна бир қинғир ишга қўл урди. У ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган қатъий ҳисобдаги бухгалтерия ҳужжатларини, шартномалар, юк хати, ҳисобот варақ фактуралари, ишончномалар, банк тўлов топ-

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 21 февралдаги йиғилиши қарорига кўра, Шеробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Б.Жумақулловнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини ривчи лицензиясининг амал қилиши 1 ой муддатга тўхтатилди.

Ижро тизими

Ваколат, ҳуқуқий мақом ва масъулият

Суд департаменти фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2007 йил 1 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижро органининг фаолият кўрсатиш механизми янада муккамлашувида муҳим аҳамият касб этди.

МАЗКур Қарорга мувофиқ Суд департаменти таркибиди ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси ташкил этилиб, унинг зиммасига ижро интизоми мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш устидан тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги ҳудудий бошқармаларда шу йўналишда ташкилий назорат бўлимлари фаолият юритмоқда.

2007 йилнинг декабрь ойидан бошлаб суд



ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ижро йиғими ундириш жорий этилган эди. Ижро йиғимларини Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказиш белгиланган бўлиб, Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2008 йилда 344 миллион 037 минг сўм микдорда ижро йиғими ундирилди. Шунингдек, қарздорлар томонидан ижро ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилмаганлиги учун ўтган йил давомида улардан 111 миллион 096 минг сўм микдорда жарима ундирилшига эришилган. Суд департаменти

фаолияти самарадорлигини ошириш, ахборот-коммуникация ахтиёрларини қондириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Андижон вилояти ҳудудий бошқармасига хизмат автомашиналари, компьютерлар тўпламлари, мебеллар, алоқа воситалари ва бошқа зарур ашёлар ажратилди.

Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2007-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури, ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ташкилий ва функционал схемаси, ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш учун белгиланган аниқ вазифалар юзасидан ҳам изчил ишлар йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида Суд департаменти ваколатлари янада кенгайди. Хусусан, суднинг ҳал қилув қароридан бўйин товлаш ёки монелик қилиш билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда бундай ҳолатга йўл қўйганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Суд департаменти органига суриштирув олиб бориш ваколати берилди ҳамда суд ижрочиларининг ҳуқуқий мақоми кўтарилди.

Бу кенг қўламли ишларнинг пировард мақсади суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг суд органларига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Суд ижрочилари бу муҳим ишда ана шу масъулиятни чуқур англайдилар.

Дониёрбек ЖУРАЕВ,
Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Баҳор завқи



Жиноятга жазо муқаррар

Билмаганга олиб, билганидан қолмаса...

БАХТИЁР ЮНУСОВ "Сирғалитумангаз" эксплуатация хизмати раҳбар бўлиб ишга келганининг дастлабки кўни ходимларга жамоада аҳиллик ўрнатишни, иш сифатини янада кўтаришни ваъда берган, ҳалоллик, ҳақққа хизмат қилиш, касбга доир ҳар қимнинг садоқатли бўлиши лозимлиги ҳақида маъруза қилган. Ҳузурида залвор, ҳаракатлариди шиддатни кўрган жамоа янги раҳбарнинг фаолиятига катта умид болаган эди. Аслида Юнусовни халқнинг хизматига бўлишдек маъсул вазифага тавсия қилаётган ҳам ана шу фикрда бўлган бўлса, ажабмас.

Аммо ҳар нарсадан, виждон амридан ҳам устулик қилган манфаат деган тушунча, шайтон васвасаси боисми, берилган ваздалар унутилди. Ҳатто билмагандек тутиб, биладиган ишини бажаришга ўтди. Ҳатто ҳуқумат қарорлари ижросидан ҳам манфаат излай бошлади. Ҳатто қорхонанинг катта устаси Рафқат Юнусовни олиб, уни қинғир ишда ҳам "катта уста" бўлса керак, деб ўйлади шекилли, Юнусов-Юсупов жуфтлигини тузди.

эксплуатация хизмати ва "Эварон" хусусий фирмаси ўртасида шартномага асосан, Сирғали туманида истикомат қилувчи истемолчиларга газ ҳисоблагичларга ўрнатилгани тўғрисидаги далолатномаларда 331 дона, 8 миллион 171 минг 947 сўмлик газ ҳисоблагичлар бир манзилга икки мартаба ўрнатилгани қайд этилди. Яъни

"Сирғалитумангаз" қорхонаси омборига қайтарилиши лозим бўлган 199 дона, 6 миллион 212 минг 950 сўмлик газ ҳисоблагичлар ҳам қайтарилмади.

Хайриятки, бу қилмишга нукта қўйилди. Суд залида судланувчилар пушаймонлигини изҳор этишди.



Судда Б.Юнусов ҳамда Р.Юсуповларнинг ижтимоий, оилавий аҳволлари, давлатга етказилган моддий зарарларнинг қоплангани инobatта олинди. Шу боис қонунда белгиланган жазодан ҳам камроқ жазо тайинланди.

Кобилжон Комилов ҳамда Лейла Сафаровларнинг эса жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бугун инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилди. Унинг шаъни, қадр-қимматини эъозлаш давлатимиз сийосати тусини олди. Бировни кескин жазолашдан қўра, тарбиялаш, меҳр-муруват кўрсатиш орқали тўғри йўлга солиш каби инсонпарвар усул кун тартибига чиқди.

Шундай экан биздан талаб қилинаётган нарс битта: кўрсатилган ушбу имкониятларга муносиб бўлиш, қўрсатилган меҳрга меҳр билан жавоб бериш. Зеро, самимиётга ҳар доим самимиёт билан жавоб бериш керак бўлади.

Илҳом ҲАҚБЕРДИЕВ
Манба: Region.uz

Наманган вилояти адлия бошқармаси раҳбарияти ва жамоа ходимлари Уччи тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси **Толқибон Муталлиевич МАҲКАМОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдириб, таъзия изҳор этади.

Газетанинг янабатдаги сони 24 март сешанба кўни чиқади.

Ижро ишини такомиллаштириш

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мазмун-моҳиятини тушутиришга бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

УНДА мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳужалик

процессуал кодекслари, Ер кодексига, Маълумий ҳужжатларига, шунинг-



нинг янги таҳрирдаги 232-моддаси муайян ҳаракатларни содир этиш ёки уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклайдиган суд ҳужжатини ижро этмаганлик, шунингдек, уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилаш, ушбу моддада мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиши билан бир қаторда жисмоний шахсларнинг жинсий жавобгарлиги ҳам жорий этилганлиги ҳақида маърузалар тингланди.

Дилшод МАМАТКОДИРОВ,
Суд департаменти Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ходими

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССАСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДИЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январьдан навлр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Илҳобот ва Ахборот агентлигининг 0081-рқарори билан рўйхотга олинган ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураманович
Мустафаев Бурхон Мустафаевич
Ражабова Маъжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдухамид Шодиевич

Матрасулов Давлатшарар Раҳимбергатович
Тўраев Тўра Эргашевич
Сайдов Шокир Қасимович
Ҳамроев Илҳом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВА

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВА

Индекс: 646882

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буорлма Г-215. Тиражи — 21912. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириди — 21.00 | — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайлиғох кўчаси-5.
Тел: 233-95-31.
Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

1 2 3 4 5 6 8